

Рэй Брэдбери

**Фаренгейт бўйича
451°**

*Фаренгейт бўйича 451° –
қоғоз аланга олиб, ёнадиган ҳарорат*

Тошкент
2022

УЎК 821.111-31(73)
КБК 84(7)-44
Б 97

БРЭДБЕРИ, Рэй

Фаренгейт бўйича 451° [Магн]: / Рэй Брэдбери,
таржимон Бобур Йўлдошев. – Тошкент: NIHOL, 2022. – 224 б.

ISBN 978-9943-23-199-3

Инглиз тилидан
Бобур Йўлдошев
таржимаси

“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди

Ҳаёт тезлашган, бир хиллик тенглик тусини олган, одамлар бир-бирини эшитмайди, фикрлашдан тўхтаган, ҳурлик маҳв этилган... Бу жамиятда китобларга ақл қушандаси деб қаралади, тақиқлар туфайли одамлар аста-секин улардан воз кечган, адабиётдан қўрқади. Улар фақат қулоқларидаги “чиғаноқ”лардан тараладиган маънисиз мусиқадан маст, рекламалардан сархуш яшайди.

Китоблар тақиқланган яқин келажакдаги хаёлий Америка жамияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асар бош қаҳрамони Гай Монтэг – ўт ўчирувчи. Номи ўт ўчирувчи, аммо китобларни улар топилган уйлар билан қўшиб ёқиш унинг аъмолидир. Аммо куни келиб, у ўз касбининг тўғрилигига шубҳаланиб қолди ва аста-секин фикрлашни истаётганини сизди, ана шундан бошланган исён ортидан у ўзи яшаб турган жамиятдаги тутумни, тартиботни савол остига ола бошлади. Алалоқибат у ўзи каби инсонлардан иборат яширин гуруҳга қўшилди...

УЎК 821.111-31(73)
КБК 84(7)-44

ISBN 978-9943-23-199-3

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2022
Copyright © 1951 by Ray Bradbury

*Миннатдорлик ила Дон Конгдонга
бағишланади*



ЎТ ҚҰЙИШ ЗАВҚИ

Олов ёнаётган нарсаларни ўз домига олиб, уларни қорайтириб, куйдиришини ва шаклини ўзгартира боришини томоша қилиш завқли эди. Улкан илон атрофга заҳарли керосин пуркар, томирларида қон жўш урар, жез пойнакни маҳкам сиққан қўллари эса култепага айланган жулдур тарихни ёндириб йўқ қилиш симфониясини ижро этаётган дирижёр каби ҳаракатланарди. 451 рақами туширилган рамзий дубулғасини бостириб кийган; олдида турган иш ҳақидаги биргина ўйдан кўзлари чақнайди: у ўт олдиргични ёқади ва уй аланга олиб, тунги осмонни тўқ қизил, сариқ ва қора рангларга бўяйди. У учқунлардан ҳосил бўлган митти гулханчалар оралаб қадам ташларкан, эски латифадаги каби, айвонда ва майсазорда китоб саҳифалари кабутар қанотлари каби шитирлаб, оловда ҳалок бўлаётган бир пайтда, уларнинг алангасига таёқ учига суқилган зефирни тутиб тургиси келди. Китоблардан қолган куйинди парчалари эса қора тутун билан бирга гирдоб ҳосил қилиб, ҳавога кўтарилади.

Монтэгнинг юзида аланга тафтидан куйган ва ортга тисарилган одамнинг шафқатсиз табассуми қотиб қолган эди.

У ўт ўчириш бўлимига қайтгач, кўзгудаги аксига қараб мағрур кўз қисиб қўйишини билади. Кейинроқ, уйқуга ётган пайтда ҳам у юзида қотиб қолган ифодани ҳис қилади. Бу ифода эсини таниганидан бери уни тарк этмайди.

У қора қўнғиз рангли дубулғасини ялтиратиб артди ва ўт ўтказмас либоси билан ўз жойига илди. Маза қилиб душ қабул қилди. Сўнг қўлларини чўнтакка солганча ўт ўчириш станциясининг юқори қаватида хуштак чалиб юрди ва туйнук орқали пастки қаватга сирғалиб тушди. Сўнгги онда йиқилиб, жароҳат олиши муқаррар бўлиб қолганда, товонлари бетон полга тегиши олди-дан қўлларини чўнтагидан чиқариб тилларанг устундан тутиб қолди.

Кўчага чиққанида тун чўккан, атрофда ҳеч ким йўқ эди. У метро томон йўл олди. Мойланган труба орқали овозсиз ҳаракатланувчи ҳаво поезде илиқ шамол пуфлаб, шаҳар четига олиб чиқувчи қаймоқранг эскалатор олдида эшикларини очди.

Монтэг эскалаторда хуштак чалганча тунги сукунат чўккан кўча томон кўтарилди. Шу кетишда у ҳеч нарса тўғрисида ўйламай борарди. Муюлишга яқинлашганда тўсатдан юзига кучли шамол урилгандай ёки кимдир исмини айтиб чақиргандай бўлди ва қадамини секинлатди.

Кейинги пайтларда уйига олиб борадиган йўлдаги бу муюлишга яқинлашганда шу ғала-

ти туйғуни ҳис қиладиган бўлиб қолди. Кимдир пойлаб тургандек ва унинг қайрилишидан бир лаҳза аввал сояга айланиб уни ўтказиб юбораётгандай эди. Эҳтимол, бурни енгил ис туйгандир, балки, қўллари ва юз териси орқали ўша кўринмас одам ўз тафти билан турган ердаги ҳароратни билинар-билинемас оширганини сезгандир? Буни тушунтириб бера олмасди. Бироқ ҳар сафар муюлишдан қайрилганда йўлакнинг оппоқ плиталарини кўрарди, холос. Фақат бир сафаргина майсазордан нимадир ўтганини кўргандай бўлди. Лекин яхшироқ қарагунича ва бирор сўз айта олгунича, у ғойиб бўлди.

Бугун у шунчалик секинлашдики, деярли тўхтаб қолди. У хаёлан бурчакдан қайрилди ва жуда секин шивирлашни сезди. Бу кимнингдир нафас олаётган овозими? Ёки ҳаво у ерда жимгина кутиб турган киши сабаб тебрандими?

У муюлишдан қайрилди.

Шамол ой ёритган йўлакдан кузги барглари учиради, рўпарадан келаётган қиз эса йўлакдан қадам ташлаб эмас, сузиб келаётгандек эди. У бошини бироз эгиб, айланиб учаётган барглари туфлисига тегиб ўтаётганини томоша қиларди. Қизнинг юзи нозик ва сутдек оқ, унда ҳар нарсага бўлган беқиёс қизиқувчанлик барқ урарди. Ҳозир эса юзида бироз ҳайрат зоҳир эди. Тим қора кўзлари оламга шундай синчковлик билан боқардики, улардан бирор нарса яширин қолиши маҳол эди. Оппоқ кўйлаги шамолда учиб шивирларди. Монтэгга қизнинг қадамларига

ҳамоҳанг қўл ҳаракатлари эшитилгандек туюлди. Қиз бошини кўтариб, қаршисида эркак киши турганини кўрди.

Дарахт шохлари уларнинг бошлари узра барг ёмғири ёғдирарди. Қиз тўхтади. Кўринишидан қиз ортга тисариладигандек эди. Бунинг ўрнига у Монтэгга қаттиқ тикилди. Қизнинг тим қора, ёрқин ва жонли кўзлари Монтэг унга жуда бир ажойиб гап айтгандек порлаб кетди. Бироқ Монтэг шунчаки “Салом” деганди, холос. Либосининг енгига туширилган самандар расмига ва кўксидаги қақнус белгисига қизнинг тикилиб қолганини кўриб, яна тилга кирди:

– Сиз янги қўшнимиз бўлсангиз керак, шундайми?

– Сиз эса... – ниҳоят қиз унинг либосидаги касбининг белгисидан кўз узди, – ўт ўчирувчимисиз? – қизнинг овози пасайиб кетди.

– Буни жуда ғалати айтдингиз.

– Мен... мен буни кўрмай туриб ҳам билган бўлардим, – деди қиз секин.

– Керосин ҳидиданми? – деди Монтэг кулиб.
– Хотиним ҳам доим шундан нолийди. Уни ҳеч қачон тозалаб кетказа олмайсан.

– Ҳа, кетказиб бўлмайди, – деди қиз ҳадик билан.

Қимир этмай турган бўлса ҳам, қиз Монтэгга унинг атрофида айланаётгандек, уни енгил силтаётгандек ва чўнтақларини қоқаётгандек туюларди.

– Керосин, – деди Монтэг чўзилиб кетган сукутни бузиб, – мен учун атирдай гап.

– Чиндан ҳам шундайми?

– Албатта. Нега ҳайрон бўляпсиз?

Қиз бироз ўйлаб:

– Билмадим, – деб уйи томон борадиган йўлакка юзланди. – Майлими сиз билан қайтсам? Исмиб Кларисса Маклеллан.

– Кларисса. Меники эса Гай Монтэг. Қани, юра қолинг. Бундай кечда бир ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Ёшингиз нечада?

Улар илиқ тун шамолида ой нуридан кумушдек товланган йўлакдан кета бошлашди. Атрофдан янги пишган ўрик ва қулупнай иси таралаётганга ўхшади. Монтэг атрофга назар ташлаб, бунинг имкони йўқлигини тушунди. Ахир йил якунига етмоқда.

Ёнида фақатгина қиз кетиб борар ва унинг юзи ой нурида қордек ялтирарди. Қиз унинг саволларини ўйлаётгани ва яхши жавоб ахтараётганини ҳам сезиб турарди.

– Ёшим ўн еттида ва бироз телбароқман, – деди қиз. – Амакимнинг айтишича, бу иккиси доим ёнма-ён юрармиш. У доим: “Агар ёшингни сўрашса, ёшим ўн еттида, ўзим эса савдойиман, деб жавоб бер”, – дейди. Тун – сайр қилиш учун ажойиб вақт-ку. Мен нарсаларни ҳидлашни, уларни томоша қилишни ёқтираман. Баъзан тун бўйи ухламай айланиб чиқаман ва қуёш чиқшини томоша қиламан.

Улар бироз жим боришди.

– Биласизми, – деди қиз ўйчан. – Сиздан умуман кўрқаётганим йўқ.

– Нега ўзи кўрқишингиз керак? – сўради Монтэг ҳайрон бўлиб.

– Ахир кўпчилик кўрқади-ку. Ўт ўчирувчилардан демоқчиман. Бироқ сиз ҳам ҳаммага ўхшаган одамсиз-ку...

Қизнинг сув томчиларидек порлаб турган кўзларида у ўз аксини аниқ-гиниқ, ҳатто лаблари атрофидаги чизиқларигача кўрди. Қизнинг кўзлари унинг аксини абадий акс эттирган икки митти бинафшаранг қаҳрабодек туюларди, юзи эса оппоқ нур таратаётган нозик биллурдек кўринарди. Бу кўзни толдирадиган электр нури эмас. Аммо нима? Бу тинчлантирувчи ва сокинлик бахш этувчи шам ёғдусига ўхшарди. Болалигида бир марта уйларида электр ўчиб қолганда онаси уйдаги охирги шамни қидириб топиб, ёққанди. Бу унинг учун ажойиб янги кашфиётлар соати бўлган эди. Шундай улкан олам бир зумда шам ёруғи етган майдон ўлчамида қисқарганди. Она-бола шам олдида электр иложи борича кечроқ ёнишини тилаб ўтиришганди.

– Сўрасам майлими, – деди Кларисса Маклеллан тўсатдан, – қанчадан бери ўт ўчирувчи бўлиб ишлайсиз?

– Йигирма ёшимдан бери. Ўн йил бўлди.

– Ёндирган китобларингизни ҳеч ўқиб кўрасизми?

Монтэг кулиб юборди.

– Бу қонунга хилоф-ку.

– Ҳа-я, албатта.

– Бу қизиқарли иш. Душанбада Миллейни ёкамиз, чоршанбада эса Уитменни, жума куни Фолкнернинг кулини кўкка совурамиз. Ёқиб кул қилиш, кейин кулини ҳам ёндириш. Бизнинг касбий шиоримиз шундай.

Улар яна бироз жим юришди.

– Қачонлардир ўт ўчирувчилар ўт қўйиш ўрнига ўт ўчирганлари ростми? – сўради қиз тўсатдан.

– Йўқ. Уйлар ёнмайдиган бўлган. Гапимга ишонаверинг.

– Қизиқ, мен қачонлардир уйлар бирор эҳтиётсизлик оқибатида ёниб кетган ва ўшанда оловни ўчириш учун ўт ўчирувчилар керак бўлган, деб эшитгандим.

Монтэг кулиб юборди. Қиз унга тезгина қараб олди.

– Нега куласиз?

– Билмадим, – дея яна кулди ва бирдан тўхтаб қолди. – Нега сўраяпсиз?

– Мен кулгили гап айтмасам ҳам, куляпсиз. Саволларимга дарҳол жавоб қайтараяпсиз. Сўраганларимни ўйлаб ҳам кўрмаяпсиз.

Монтэг тўхтади.

– Сиз чиндан ҳам ғалати экансиз, – деди у қизга яхшироқ қараркан. – Бировни ҳурмат қилишни биласизми?

– Сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Шунчаки, одамларни кузатишни жуда ёқтираман, шекилли.

– Бу сизга ҳеч нарсани англатмаяптими? – сўради Монтэг енгига туширилган 451 рақамини кўрсатиб.

– Англатяпти, – деди қиз шивирлаб ва қадамини тезлатди. – Айтинг-чи, ҳув анави томонда, хиёбонларда реактив автомобиллар елдек учиб боришларига ҳеч эътибор берганмисиз?

– Мавзуни ўзгартиряпсизми?

– Менимча, ўша автомобиль ҳайдовчилари майса нима ёки гул нима – билишмайди. Чунки бир дам секинлаб уларни томоша қилишмайди. Уларга яшил доғни кўрсатинг, “Ҳа, бу – майса”, дейишади. Қизғиш ранг улар учун атиргул. Оқ – уйлар, жигаррангни эса сигир деб билишади. Бир марта амаким автомобилни шосседан секин – соатига қирқ мил тезликда ҳайдагани учун уни икки кунга қамаб қўйишди. Бу ҳам кулгили, ҳам ачинарли, тўғрими?

– Сиз кўп нарсаларни ўйларкансиз, – деди Монтэг бироз ноқулай ҳолга тушиб.

– Мен девор телевизорни¹ деярли кўрмайман, пойгаларга ёки кўнгилочар хиёбонларга ҳам бормайман. Шунинг учун ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлайвераман. Шаҳар ташқарисидаги узунлиги олтмиш метрлик реклама ва эълон тахталарини кўрганмисиз? Қачонлардир уларнинг узунлиги бор-йўғи олти метр бўлганини биласизми? Бироқ машиналар шу қадар тез юрадиган бўлиб кетишдики, одамлар реклама-

¹Бутун хонани эгаллаган, ҳажми деворга тенг экранлар.

ларни ўқишга улгуришлари учун тахталарни узайтиришди.

– Буни билмагандим, – деди Монтэг кулиб.

– Мен яна сиз билмаган бир нарсани биламан. Эрталаблари майсаларда шудринг бўлади.

Монтэг буни қачондир билганми-йўқми, эслашга уринди. Бироқ эслай олмади ва бундан бироз жаҳли чиқди.

– Агар у ёққа назар ташласа, – деди қиз осмонга имо қилиб, – ойда одам шаклини кўриш мумкин.

Лекин Монтэгнинг назар ташламаганига анча вақтлар бўлиб кетган эди.

Улар йўлда жим давом этишди. Қиз ўйчан, Монтэг эса қизнинг ора-сира айбловчи нигоҳларидан афсус ва хижолат чекиб борарди. Қизнинг уйига етиб келишганда уйнинг барча деразаларидан ёруғ тушиб турган эди.

– Бу ерда нима бўляпти? – сўради уйларнинг бу қадар ёритилганини ҳеч кўрмаган Монтэг.

– А, шунчаки отам, онам ва амаким суҳбатлашиб ўтиришибди. Бу ҳозирги кунда пиёда юриш каби камдан-кам учрайдиган ҳолат. Амаким яна бир марта қамалганини айтдимми сизга? Бу сафар пиёда юргани учун қамашганди. О, қанчалик ғалати одамлармиз-а?!

– Аммо нима ҳақида гаплашасиз?

Қиз кулиб юборди.

– Хайрли тун, – деди ва уйи томон юрди. Кейин тўхтади ва бир нарса эсига тушгандай ортига қайтиб, Монтэгга синчковлик билан тикилди.

Рэй Брэдбери

– Сиз бахтлимисиз? – сўради қиз.

– Нима? – хитоб қилди Монтэг.

Лекин қиз энди қаршисида йўқ эди. У ой ёруғида уйига югурди ва ортидан эшик аста ёпилди.

– Бахтлимисиз эмиш! Қандай бемаънилик!

У кулишдан тўхтади.

Уйига келиб, махсус тирқишга бармоғини теккизди. Эшик бармоқни таниб, очилди.

– Албатта, бахтлиман! У нима деб ўйловди? Бахтли эмас дебми? – сўрарди у бўш хоналардан. Бирдан кўзи ҳаво янгилайдиган панжарага тушиб қолди ва у ерга яширилган нарса эсига тушди. Яширилган нарса уни кузатиб тургандек бўлди. У тезда кўзини олиб қочди.

Бу қандай ғалати учрашув ва ғалати тун бўлди? У билан ҳеч қачон бундай ҳол юз бермаганди. Бир йил олдин хиёбонда бир кекса одам билан гаплашиб қолмаганини ҳисобга олмаса, албатта...

Монтэг бош силкитди. У яланг деворга қаради. Кўз олдига хотирасига муҳрланиб қолган қизнинг истарали, ҳатто гўзал қиёфаси келди. Унинг нозик юзи ярим тунда уйғониб, вақтни билмоқчи бўлганингда қоронғи хонада хира ялтираб, сенга соатни, дақиқа ва сонияни аниқ кўрсатиб турувчи соат милларини эслатарди. Бундай соатлар, гарчи тун тобора қоронғилашаётган бўлса-да, унинг ўтиб бораётганини ва тез орада қуёш чиқишини билдириб туради.

– Нима бўлди?! – деди Монтэг ўзининг баъзан онги, виждони ва одатига қарши ўлароқ ҳар

балоларни валдирайдиган иккинчи онгости “мен”ига.

У яна деворга ўгирилди. Қизнинг юзи кўзгуга ҳам ўхшарди. Ишониш қийин. Сенинг нурунгни ўзингга қайтариб, акс эттирадиган яна қанча одамни биласан? Одамлар кўпроқ... – у керакли сўз қидирди ва касбидан келиб чиқиб топди – машъалага ўхшайдилар. Пуфлаб ўчирмагунча ёнаверишади. Аммо ўзга бир инсоннинг юзида ўз аксингни, яширин ва ҳаяжонли туйғуларингни ҳар доим ҳам кўравермайсан.

Бу қизда ақл бовар қилмас шахсни ажрата олиш қобилияти бор эди. У қўғирчоқ театрини берилиб томоша қилаётган томошабин сингари Монтэгнинг ҳар киприк қоқишини, қўлларининг ҳар бир имосини ва бармоқларининг ҳаракатини олдиндан билгандек кузатди. Қанча муддат бирга сайр қилишди? Уч дақиқами? Беш дақиқами? Бироқ ҳозир бу жуда узоқ вақтдай туюларди. Қизнинг девордаги акси ҳам улкан кўринар, нозик жуссаси эса улкан соя ташларди. Агар кўзлари толса, биринчи бўлиб қиз киприк қоқишини, агар юз мушаклари қимирласа, буни ўзидан аввал қизнинг эснашида кўришини сезиб турарди.

“Нега шундай бемаҳалда у қиз мени муюлишда пойлаб тургандек туюлмоқда?” дея ўйларди бўлиб ўтган воқеани эсларкан.

У ётоқхона эшигини очди.

Ўзини ой чўккандан кейин мақбаранинг мрамар билан қопланган совуқ дахмасига киргандай ҳис қилди. Хона тим қоронғи, ташқаридаги

кумушранг дунёдан асар ҳам йўқ, деразалар зичлаб беркитилган, шаҳар суронлари кирол-майдиган қабр каби сукунат чўккан эди. Аммо хона бўш эмасди.

У қулоқ тутди.

Митти чивин ҳавода визиллаб нозик рақсга тушиши ва иссиқ, пушти уясига қулайгина яширинган арининг электрон визиллаётган товуши келарди. Мусиқа овози бемалол қулоққа чалинадиган даражада баланд эди.

Юзидаги табассумни гўё жуда узоқ ёнган ва якунига етиб, оқиб тушаётган шам сингари сирғалиб тушиб, йўқолаётган мум теридек ҳис қилди. Зулмат. У бахтли эмас. Бахтли эмас! Ўзига шу гапларни айтди. У бунинг ҳақиқат эканини тан олди. Шу кунгача у бахтни ниқоб қилиб тақиб юрган, қиз эса ўша ниқобни юлиб олиб, қочиб кетганди. Энди унинг эшигини тақиллатиб, ниқобни қайтар деб сўрашнинг имкони йўқ.

Чироқни ёқмай хонани тасаввур қилди. Хотини каравотда усти ёпилмаган, тобутнинг қопқоғи устига жойлаштирилгандек совуқ ҳолда донг қотиб ётар, ҳаракатсиз кўзлари шифтга пўлат иплар билан маҳкамлангандек қотиб қолган эди. Қулоқларига кичкина “чиғаноқлар” – радиоприёмник-қулоқчинлар маҳкам тиқилган, ундан таралаётган электрон товушлар ва мусиқа овози тўлқинлари аёлнинг бедор ақли соҳилларига ёпирилиб турарди. Хона ҳақиқатан бўм-бўш эди. Ҳар тун бу ерга товушлар уммони бостириб кирар ва кўзлари очиқ ётган Милдред-

ни ўзининг улкан қанотларида аллалаб, тонгга қадар узоқ-узоқларга олиб кетарди. Ўтган сўнгги икки йилда бирор тун йўқки, Милдред бу тўлқинларда сузмаган, уларга қайта ва қайта шўнғимаган бўлса.

Хона совуқ бўлса-да, Монтэгга ҳаво етишмаётгандек туюлди. Шунга қарамай, у пардаларни ҳам кўтармади, деразаларни ҳам очмади, чунки хонага ой нури тушишини истамасди. Яқин соатларда ҳаво етишмаслигидан ўлиши муқаррар бўлган одамдек пайпаслаганча ўзининг очиқ, ёлғиз ва совуқ тўшаги томон йўналди.

Оёғи полда ётган нарсага тегишидан бир лаҳза олдин буни сизди. Ҳали муюлишдан қайрилиб, қизга тўқнашиб кетаёзганда ҳам худди шундай туйғуни ҳис қилганди. Ўз ҳаракати билан ҳаво тебранишлари таратаётган оёғи қандайдир тўсиқдан қайтаётган акс тебранишни сизди ва шу ондаёқ бир нимага урилди. Бир нима эса қоронғиликка сингиб кетди.

У тек туриб, зим-зиё тўшакда ётган инсоннинг нафасига яна қулоқ солди. Нафас шунчалик кучсиз эдики, унда ҳаёт аломатлари базўр сезилар, у фақат кичкина баргни ёки қора патни ёхуд бир дона соч толасинигина қимирлата олиши мумкин эди.

Монтэг ҳамон хонага кўча ёруғининг тушишини истамасди. У ёнидан ўт олдиргични чиқарди ва кумуш дискка ўйиб туширилган самандарни сийпалаб топиб, уни буради...

Нурсиз кўзлар хира шуълада унга боқиб турар, улар гўё устидан ҳаёт суви оқаётган, аммо унга тегмаётган тиниқ ирмоқ тубидаги икки тошга ўхшарди.

– Милдред!

Милдреднинг юзи қор қоплаган оролдек оппоқ эди. Агар ёмғир қуйиб ўтса, буни сезмас, агар булутларнинг мангу ҳаракатдаги соялари тушса, буни ҳам ҳис қилмасди. Фақатгина қулоқларидаги чиғаноқлардан қандайдир овозлар таралар, кўзлари эса ойнадек қотган эди. Бурун тешикларидан нафас кирар-чиқар, Милдредга эса буларнинг умуман фарқи йўқдек эди.

Боя Монтэгнинг оёғи тегиб кетган нарса каравот ёнида йилтиллади. Ушбу кичкина биллур идишга эрталаб ўттиз капсула уйқу дори солинган эди, ҳозир эса полда бўм-бўш, қопқоқсиз ҳолда хира нурда ялтираб ётибди.

Бирдан осмонда нимадир гумбурлади. Икки улкан қўл гўё ўн олти минг километр келади-ган баҳайбат чойшабни йиртгандек қулоқни қоматга келтирувчи қарс-курс овоз эшитилди. Монтэг ўзини иккига бўлингандек, кўкси ёрилиб кетгандек ҳис қилди. Уй устидан қирувчи самолётлар ҳамма ёқни гумбурлаган овозга тўлдириб учиб ўта бошлади – ўтаверди, ўтаверди, ўтаверди... Бир, икки, бир, икки, бир, икки, олти, тўққиз, ўн икки, яна битта, яна, яна, яна бир, яна бошқаси... Монтэг оғзини очди ва қулоқни қоматга келтираётган овоз тишлари орасидан чиқа бошлади. Уй силкинарди. Ўт олдиргичдаги

олов ўчди. Монтэгнинг кўли телефон томон отилди.

Қирувчилар ўтиб кетишди. У лаблари телефон гўшагига тегиб қимирлаганини сезди:

– Тез ёрдамни уланг, – шивирлади сўнг даҳшат билан.

Зулматда лаблари бир нималар деб қимирлашда давом этаркан, унга қора қирувчи самолётларнинг гумбурлашидан юлдузлар чангга айлангандек ва бу чанглар эрталаб бутун ер юзини қор каби қоплайдигандек туюларди.

Уларнинг машинаси бор эди. Аниқроғи, икки машинаси бўлиб, бири ташландиқ қудуққа судралиб кираётган қора кобра каби ошқозонга сирғалиб кириб борар, у ердаги туриб қолган сув ва чиркин ўтмишни сўриб олиб, ташқарига чиқариб ташлар эди. У зулматни ҳам сўриб олди-микин? Йиллар давомида тўпланган захарни ҳам сўраётганмикан? Машина ора-сира тўхтаб-тўхтаб, жим сўришда давом этарди. Унинг кўзи бор эди. Машинани ишлатаётган ҳиссиз юзли одам оптик шлемни кийиб олиб, машинанинг кўзига инсон руҳида нималар кўринаётганини айтиб бериши мумкин эди. Бироқ у жим эди. У қараб турган бўлса-да, машинанинг кўзи кўраётганларни кўрмасди. Бутун амалиёт ҳовлида хандақ қазиш ишларини эслатарди. Тўшакда ётган аёл шунчаки улар дуч келган қалин мрамар қатлами эди. Нима бўлганда ҳам, давом этиш, бўшлиқни сўриб олиш ва илонни яна ҳам ичкари киритиш лозим.

Санитар тамаки тутатиб турар, иккинчи машина ҳам ишлар эди.

Иккинчи машинани шериги каби юзида ҳеч қандай ифода бўлмаган, қизғиш-жигарранг либос кийган киши ишлатарди. Бу машина танадан қонни сўриб олиб, унга янги қон ва зардоб қуярди.

– Бирйўла иккаласини тозалашга тўғри келади, – деди қимир этмай ётган Милдред олдида турган санитар. – Қонни тозаламасангиз, ошқозонни тозалашнинг ўзи бефойда. Қонда бу нарсани қолдирсангиз, у мияга етиб бориб, минг-икки минг марта зарба беради ва қарабсизки, мия таслим бўлиб, шунчаки ўчиб қолади.

– Бас қилинг, – деди Монтэг.

– Айтдим-қўйдим-да, – жавоб берди санитар.

– Тугатдингизми? – сўради Монтэг.

Улар машиналарини йиғиштирди.

– Ҳа, тугатдик.

Унинг жаҳли санитарларга умуман таъсир қилмади. Улар тамаки тутатишар, тутун бурунларига, кўзларига кирар, лекин улар на бурунларини тортар ва на кўзларини юмардилар.

– Сиздан эллик доллар.

– Биринчидан, нега унинг аҳволи яхши бўлади, деб айтмаяпсиз?

– Албатта, у отдай бўлиб кетади. Ундаги ҳамма ёмон нарсалар мана бу қутида. Энди унга зиён етказа олмайди. Айтганимдек, эски қонни сўриб олиб, янгисига алмаштирдик. Энди ҳаммаси яхши бўлади.

– Лекин сизлар врач эмассизлар-ку. Нега врач юборишмади?

– Врач? – санитар тамакисини лабининг у четидан бу четига олди. – Бир кунда бундай чақирувлардан тўққиз-ўнтасига борамиз. Кейинги йилларда бундай чақирувлар шунчалик кўпайдики, махсус машина яратишга тўғри келди. Тўғри, ундаги янгилик биргина оптик линза, холос. Қолганлари аввалдан маълум нарсалар. Бу ерда врачнинг кераги йўқ. Икки техник ярим соатда ҳамма ишни бажариб ташлайди. Энди эса кетишимиз керак, – шундай деб улар ташқарига йўл олдилар. – Ҳозиргина янги чақирув олдик. Бу ердан ўн кварталча нарида яна бир киши бир қути уйқу дори ичиб юборибди. Яна керак бўлиб қолсак, қўнғироқ қиларсиз. Унга тинчлик керак. Унга тетиклаштирувчи дори юбордик. Уйғонганда қорни жуда оч бўлади. Хайр.

Шундай деб, лабларига тамакини маҳкам қис-тирган, юзлари маънисиз, қарашлари илон каби совуқ одамлар хонани тарк этишди. Улар қўлида машина ва шлангларини, суюқ тушкунлик ҳамда номсиз яна бир қуйқани кўтариб олгандилар.

Монтэг стулга ҳорғин чўкди ва тўшакда ётган аёлга назар ташлади. Энди унинг юзи хотиржам, кўзлари юмуқ эди. Қўлларини чўзиб, нафасидаги илиқликни сизди.

– Милдред, – деди у яна.

“Биз жуда кўпмиз, – ўйларди у. – Биз бир неча миллиардмиз ва бу жуда кўп. Ҳеч ким бир-бири-

ни танаймайди. Бегона одамлар келиб, устингдан ҳукмини ўтказди. Нотанишлар юрагингни суғуриб, сендан қон олади. Ё худо, бу одамлар ким эди? Уларни аввал умуман кўрмаганман”.

Орадан ярим соат ўтди.

Энди бу аёлнинг томирларида бегона қон оқарди ва бу қон уни янгилади. Унинг ёноқлари ва лабларига ранг кирди, энди уларнинг кўриниши чиройли ва осуда эди. Унда кимнингдир қони оқарди... Қани энди, унинг гўштини, миясини ва хотирасини ҳам худди қон алмаштиргандек алиштириб бўлса! Қани энди, унинг руҳини тозалашга бериш мумкин бўлса эди! У ерда руҳни қисмларга ажратиб, чўнтақларини ағдариб, тозалаб, парлаб, дазмоллаб, эрталаб олиб келсалар эди! Қанийди!

Монтэг ўрнидан турди ва бориб пардаларни кўтарди, деразаларни катта очиб, хонага тоза ҳаво киритди. Соат тунги икки эди. Наҳотки кўчада Кларисса Маклееллани учратганидан буён эндигина бир соат ўтган бўлса? Наҳотки оёғи кичкина биллур идишга тегиб кетганига эндигина бир соат бўлган бўлса? Атиги бир соат. Бироқ шу вақт ичида аввалги олам эриб, йўқ бўлиб, ўрнига янгиси ва рангсизи пайдо бўлди.

Ой нурига чўмган майсазор ортидан Монтэгга кулги овозлари эшитилди. Овоз Кларисса, унинг отаси ва онаси ҳамда амакиси яшайдиган уйдан эшитиларди. Улар шунчаки хотиржам ва самимий табассум қила олишар, уларнинг

қувноқ кулгилари бошқа уйлар сукунат ва зулматга чўмган пайтда ёрқин нур сочган уйдан тараларди. Монтэг суҳбатлашаётган одамларнинг овозларини эшитарди. Улар бир нималарни сўзлашар, савол беришар, жавоб олишарди.

Монтэг ойнаванд эшикдан чиқиб, нима қилаётганини ўйламай, майсазорни кесиб ўтди. У овозлар келаётган уй олдидаги сояда тўхтади. Хаёлига эшикни тақиллатиб, “Мени ичкарига киритинг. Индамай ўтираман. Мен фақат нималар ҳақида суҳбатлашаётганингизни тингламоқчиман”, – деб шивирлаш фикри ҳам келди.

Бунинг ўрнига совуқдан титраб, юзидаги муз ниқоб билан шошилмай, дона-дона гапираётган одамнинг (қизнинг амакиси бўлса керак) гапларини тинглаб, ўрнидан қимир этмай тураверди.

– Умуман олганда, инсон ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган даврларда яшайпмиз. Замонамизда инсон қоғоз сочиқдай гап – унга бурун қоқишади ва ғижимлаб улоқтиришади, бошқасини олишади, бурун қоқишади ва ғижимлаб улоқтиришади. Одамлар бошқа бировнинг қиёфасида юришади. Ахир ўйин дастури бўлмаса ёки исмларини билмасанг, қандай қилиб миллий жамоага мухлислик қилишинг мумкин? Хўш, қани айт-чи, улар қайси рангдаги футбол кийимида майдонга тушишади?

Монтэг уйига қайтди. У деразаларни очиқ қолдириб, Милдреднинг ёнига келди ва авайлаб устини ўраб қўйди. Кейин ўрнига чўзилди. Ой

нури унинг ёноқлари, пешонасидаги чуқур ажинларида, ҳар бирида кумуш доира ҳосил қилиб, кўзларида акс этди.

Ёмғирнинг илк томчиси тушди. Кларисса. Яна томчи. Милдред. Учинчиси. Амакиси. Тўртинчиси. Бугунги ёнғин. Бир, Кларисса. Икки, Милдред. Уч, амаки. Тўрт, ёнғин. Бир, Милдред. Икки, Кларисса. Бир, икки, уч, тўрт, беш, Кларисса, Милдред, амаки, олов, уйқу дорилари, қоғоз сочиқ сингари одамлар, бурун қоқ, ғижимла, улоқтир, Кларисса, Милдред, амаки, олов, дорилар, бурун қоқ, ғижимла, улоқтир. Бир, икки, уч, бир, икки, уч. Ёмғир. Чақмоқ. Амакининг кулгиси. Момақалди роқ гумбуралиди. У билан бутун олам гумбуралиб, титралиди. Вулқон оғзидан аланга отилади. Ҳамма нарса гир айланади, шарқираб оққан дарё каби ҳар томонга отилиб, тўлқинланиб тонг томон ошиқади.

– Ортиқ ҳеч нарса билмайман, – деди Монтэг ва тили остига уйқу дори ташлади.

Эрталаб тўққизда Милдреднинг жойи бўш эди.

Монтэг ўрнидан сакраб турди. Юраги гупиллаб урарди. У ётоқхонадан югуриб чиқди ва ошхона эшиги олдида тўхтади.

Қовурилган нон бўлаклари кумушранг тостердан сакраб чиқиши билан уларни темир қўллар тутиб олди ва эритилган сариёғга ботирди.

Милдред тайёр бўлган нон бўлақларини ликопчасига солинишини томоша қиларди. Қулоқларига ғинғиллаб турган электрон арилар

маҳкам тиқилган эди. У бирдан бошини кўтарди ва Монтэгни кўриб, унга бош ирғади.

– Аҳволинг яхшими? – сўради Монтэг.

Милдред ўн йил давомида “Чиғаноқ” радио-қулоқчинларидан фойдаланиб келгани учун оғизга қараб ўқишга уста бўлиб кетганди. У яна бош ирғади ва тостерга янги нон бўлакларини солди. Монтэг ўтирди.

– Нега бунчалик оч қолганимни ҳеч тушунолмаяпман, – деди хотини.

– Сен..?

– Шунчалик ҳам оч бўламанми?!

– Кеча тунда...

– Яхши ухлай олмадим. Энди ўзимни жуда ёмон ҳис қиляпман, – давом эттирди Милдред. – Тавба, ҳозир ҳамма нарсани еб қўяман. Шунчалик очманки...

– Кеча тунда... – деди у яна.

Милдред унинг лабларига бепарволик билан қараб турарди.

– Кеча тунда нима бўлди?

– Ҳеч нарса эсингда йўқми?

– Нима эсимда бўлиши керак? Кеча бирор базм уюштирганмидик? Худди ичкиликдан бошим тарс ёрилай деяпти. Худойим-эй, қорним бирам очки. Кимлар келди?

– Бир неча киши.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, – деди Милдред ва тостердан чиққан нондан тишлади. – Ошқозонимда оғриқ бор, лекин қорним ўлгудай

оч. Худди ичимдаги ҳамма нарса чиқиб кетгандай.
Кеча бирон аҳмоқлик қилмагандирман?

– Йўқ, – деди Монтэг секин.

Тостер унинг олдига ҳам сариёғга ботирилган
нон ташлади. Монтэг миннатдорлик билан нонни
қўлига олди.

– Сенинг кўринишинг ҳам унчалик яхшимас, –
деди хотини.

Кечга яқин ёмғир ёғди ва бутун дунё кулранг
тусга кирди. Монтэг уйнинг даҳлизидида олов
ичра турган тўқ сариқ самандар сурати туши-
рилган нишонини тақабган эди. У ҳаво ян-
гилайдиган тизим панжарасига узоқ тикилди.
Телевизорхонада сценарий ўқиётган хотини бо-
шини кўтариб унга қаради.

– Вой, бу одам ўйлаяптими? – деди Мил-
дред.

– Ҳа, – жавоб берди Монтэг. – Сен билан
гаплашиб олмоқчи эдим, – деб бироз сукут сақ-
лади. – Кеча кечқурун ҳамма уйку дорини ичиб
юборибсан.

– Наҳотки? Бундай қилишим мумкинмас, –
ҳайрон бўлди хотини.

– Қутиси бўш ётибди.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Балки, иккита ичиб, сўнг эсингдан чиқариб,
кейин иккитасини ичиб, яна унутиб, яна иккита
ичиб, сўнг эса шунча дори таъсирида бутунлай
паришон бўлиб ҳамма дорини ичиб қўйгандир-
сан?

– Бўлмаган гап! Нега бундай аҳмоқлик қилишим керак?

– Билмадим, – деди Монтэг.

Афтидан, Милдред унинг тезроқ кетишини истаётгандек эди.

– Мен асло бундай қилмаган бўлардим. Икки дунёда ҳам.

– Майли, сен айтганча бўла қолсин, – деди Монтэг.

– Хоним айтганича, – деди Милдред ва яна сценарийсини ўқишга берилди.

– Бугун кундузги дастурда нима экан? – сўради Монтэг ҳорғин.

– Пьеса, – жавоб берди Милдред бошини кўтармай. – Ўн дақиқадан сўнг барча теле-деворларда бошланади. Ролимни эрталаб жўнатишибди. Мен ҳам ўз таклифимни уларга юбордим. Улар пьесани битта рол ташлаб ёзишади. Бу бутунлай янги ғоя. Ташлаб кетилган рол эса уй бекаси роли, яъни мен. Сценарийда ташлаб кетилган сатрларга келганда улар барча теле-деворларда менга қарашади ва мен сўзларимни айтаман. Мана масалан, актёр менга қараб “Бу тўғрида нима дейсиз, Хелен?” деб сўрайди. Мен эса мана бу ерда, ўртада ўтирган бўламан, кўряпсанми ва... ва... – шундай деб бармоғи билан керакли сатрни қидирди. – Ва “Менимча, жуда яхши”, дейман. Пьеса давом этади ва яна охирида “Сиз бунга розимисиз, Хелен?” деб сўрайди. Мен эса “Албатта розиман”, дейман. Зўрми, Гай?

Монтэг даҳлизда унга термилганча турарди.

– Чиндан ҳам зўр, – деди Милдред.

– Пьеса нима ҳақида? – сўради Монтэг.

– Айтдим-ку, унда учта иштирокчи бор – Боб, Рут ва Хелен.

– Ҳа-я.

– Бу чиндан ҳам жуда қизиқ. Агар тўртинчи теле-деворни ҳам ўрнатганимизда яна ҳам қизиқроқ бўларди. Нима деб ўйлайсан, қуруқ девор ўрнига яна битта теле-девор ўрнатиш учун қанча вақт пул йиғишимиз керак бўлади? Атиги икки минг доллар туради, холос.

– Бу бир йиллик маошимнинг учдан бири.

– Бор-йўғи икки минг доллар, – деди Милдред қайсарлик билан. – Мен билан ҳам ҳисоблашиб турсанг яхши бўларди. Тўртинчи теле-деворни ҳам ўрнатсак, бу хона фақат бизники эмас, балки бир қанча ажойиб ва қизиқарли одамларнинг ҳам хонаси бўларди. Айрим кераксиз матоҳларни сотиб олмай турсак ҳам бўлаверди.

– Шундоқ ҳам учинчи теле-деворни ўрнатганимиздан бери кўп нарсадан воз кечганмиз. Уни ўрнатганимизга эндигина икки ой бўлди, эсингдами?

– Икки ой бўлди? – ҳайрон бўлиб сўради Милдред. – Майли, азизим, яхши бор.

– Хайр, – деди Монтэг ва эшик томон юрди. Бирдан тўхтади ва ўгирилиб сўради: – Пьесанинг якуни қанақа? Яхшилик билан тугайдими?

– Ҳали охиригача ўқимадим.

У қайтиб келиб сценарийнинг сўнгги саҳифасига кўз югуртирди ва хотинига қайтиб бериб, ёмғирдан ҳўл бўлган кўчага чиқди.

Ёмғир камайишни бошлаган, йўлак ўртасида эса қиз осмонга қараб, юзини томчиларга тутиб, сайр қиларди.

– Салом, – деди у Монтэгни кўриши билан табассум қилиб.

– Энди нима қиляпсиз? – сўради Монтэг саломлашгач.

– Мен телбаман-ку ахир. Ёмғир жуда ажойиб, унда сайр қилишни ёқтираман.

– Менга эса ёқмаган бўларди.

– Синаб кўрганингизда ёққан бўлармиди?!

– Ҳеч синаб кўрмаган эканман.

– Ёмғирнинг таъми ҳам ёқимли, – деди қиз лабларини ялаб.

– Қилар ишингиз ҳамма нарсани бир марта бўлса ҳам татиб кўришми?

– Айрим нарсаларни эса икки марта, – деди қиз қўлида тутиб турган нарсага қараб.

– Нима у?

– Бу йилги сўнгги момақаймоқ бўлса керак. Кеч кузда уни учратаман деб ҳеч ўйламагандим. Бун иякка суртиш ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Мана қаранг.

Қиз шундай деб кулганча момақаймоқни иягига аста суртди.

– Нима учун? – сўради Монтэг.

– Агар изи қолган бўлса, демак мен севиб қолганман. Хўш?

Монтэг ноилож қизнинг иягига қаради.

– Айта қолсангиз-чи!

– Сарик из қолибди.

– Ажойиб! Энди сизни синаб кўрамиз.

– Менда ҳеч нарса чиқмайди.

– Кўрамиз, – деди қиз ва қўлидаги гул билан у томон интилди. Монтэг беихтиёр ортга тисарилди. – Тек туринг, – деди у кулиб.

Қиз унинг иягига тикилиб, қовоғини уйди.

– Хўш? – сўради Монтэг қиз момақаймоқни унинг иягига суртгач.

– Қандай уят, – деди қиз. – Сиз ҳеч кимни севмас экансиз.

– Йўқ, севаман.

– Буни кўрсатмади-ку.

– Мен севаман. Қаттиқ севаман, – деди Монтэг ва хаёлида кимнингдир қиёфасини гавдалантиришга ҳаракат қилди. Бироқ ҳеч кимнинг қиёфаси келмади. – Жуда ҳам севаман.

– О, бундай қараманг, илтимос!

– Ҳаммаси манави момақаймоғингизни деб, – деди Монтэг. – Ўзингизга суртганингизда ҳамма ранги тугаб қолган, шунинг учун менда из қолдирмади.

– Албатта, шунақа бўлса керак. Сизни яна хафа қилиб қўйдим. Буни истамагандим, ишонинг, – деди қиз Монтэгнинг тирсагидан тутиб.

– Йўқ-йўқ, – деди у шошиб. – Ҳечқиси йўқ.

– Кетишим керак. Мени кечирганингизни айтинг. Мендан жаҳлингиз чиқиб юришини истамайман.

– Йўқ, жаҳлим чиқмади. Фақат бироз хафаман.

– Психиатримнинг ёнига кетяпман. Мени бо-ришга мажбур қилишади. Унга айтадиган ҳар турли гапларни ўйлаб топаман. Мен ҳақимда ни-ма ўйлашини билмадим-у, унинг айтишича, мен пиёзга ўхшармишман. Қаватма-қават тозалаши керак эмиш.

– Мен ҳам сизга психиатр керак, деб ўйлашга мойилман, – деди Монтэг.

– Ёлғон. Бундай деб ўйламайсиз.

– Тўғри, бундай деб ўйламайман, – деди у чуқур хўрсиниб.

– Психиатр нега ўрмон кезишимни, қуш-ларни томоша қилишимни ва капалаклар ту-тишимни билишни истайди. Бирор куни тутган капалакларимни сизга кўрсатаман.

– Яхши.

– Улар мени ҳамма вақт нима билан банд эканим ҳақида сўрашгани-сўрашган. Мен ўти-риб хаёл суришимни айтаман. Бироқ нима ҳа-қида хаёл суришимни айтмайман. Бир бош қотиришсин. Баъзан эса уларга мана бундай қи-либ, – қиз осмонга қаради, – ёмғир томчилари оғзимга киришини яхши кўришимни айтаман. Уларнинг таъми винога ўхшайди. Сиз ҳеч тотиб кўрганмисиз?

– Йўқ, мен...

– Мени кечирдингиз-а?

– Ҳа, – деди Монтэг ва бир зум ўйланиб қолди.

– Ҳа, кечирдим. Худо билади нега. Сиз қандайдир

ғалатисиз. Одам сиздан хафа бўлса ҳам, кечириши жуда осон. Ёшингизни ўн етти деганмидингиз?

– Келаси ой ўн еттига тўламан.

– Қизиқ. Ғалати. Хотинимнинг ёши ўттизда. Лекин баъзида сиз ундан анча катта туюласиз. Нега бундайлигини тушуна олмайман.

– Сиз ҳам ҳамма каби эмассиз, мистер Монтэг. Баъзан ҳатто ўт ўчирувчи эканингизни ҳам унутиб қўяман. Яна бир бор жаҳлингизни чиқарсам, майлими?

– Майли.

– Ҳаммаси қандай бошланган? У ерга қандай тушиб қолгансиз? Нима учун айнан шу касбни танлагансиз? Сиз бошқа ўт ўчирувчиларга ўхшамайсиз. Мен айримларини кўрганман ва биламан. Гапирётганимда менга қараб турасиз. Кеча ой ҳақида гапирганимда осмонга қарадингиз. Бошқалар эса ҳеч қачон бундай қилмаган бўлишарди. Қулоқ солиб ўтирмай ўгирилиб, кетиб қолишарди. Ёки дўқ қилган бўлишарди. Ҳеч кимнинг биров учун вақти йўқ. Сиз эса менга яхши муносабатда бўлган кам сонли одамлардансиз. Шунинг учун сизнинг ўт ўчирувчи эканингиз менга ғалати туюляпти. Сизга бу умуман мос эмас.

Монтэг ўзини тенг иккига бўлингандек сезди. Бир қисми оташдек қайноқ, иккинчи ярми эса муз каби совуқ, меҳрибон ва бешафқат, титраётган ва титрамаётган иккала “мен”ининг бири иккинчисини бўғиб, йўқ қилишга интиларди.

– Кетадиган вақтингиз бўлди, – деди у Кларибиссага.

Kitobni to'liq o'qish uchun
quyidagi havolaga o'ting:

<http://asaxiy.uz/u/64c208db959f7>

